



Шайхзода атокли адабиётшунос олим сифатида ҳам илмий-адабий жамоатчилик орасида катта шухрат козопган. У узок йиллар давомида гениал ўзбек шоири ва мутаффакири Алишер Навоий ижодини севиб ўрганди, калб меҳри билан битилган мақола ва рисолаларида бу буюк даҳога булган юксак хурмати ва муҳаббатини катта самимият, илмий теранлик билан баён қилди. Бу асарлар Шайхзода қолдирган адабий-танқидий мероснинг энг нодир, энг қимматли қисмини ташкил этади.

У узок йиллик изланишларнинг самараси сифатида «Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида» (номзодлик диссертацияси, 1948 йил), «Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида», «Устоднинг санъатхонасида» (Учта мақола эълон қилинган), «Газал мулкининг султони» каби ҳар томонлама теран тадқиқотларини эълон қилди.

Шайхзода Шарқ поэтикаси муаммоларини тадқиқ этиб, уларни Навоий лирикасида ақс этиш қонуниятларини ёритишга ҳаракат қилади. У бунинг учун Навоийгача бўлган поэтик анъаналар ҳақида батафсил сўз юритади. Навоийнинг бу анъаналарни давом эттириш ва ривожлантиришдаги хизмат ҳамда новаторлигини адабий эстетик қўламда таҳлил қилади. У айни замонда, мумтоз шеърятимиздан, ҳусусан Навоий ижодидан қандай фазилатларни қабул қилиши лозимлиги ҳақидаги қарашларини илғари суради. Бу масалаларни ёритишда у асосан:

- а) Навоийнинг лирик қаҳрамони;
- б) Навоийнинг эстетик принциплари;
- в) Навоийнинг бадиий санъатлари

каби муаммоларни диққат марказига қўяди.

Шайхзода Навоий газалларидаги биринчи ва энг етакчи фазилат воқеа-бандлик деб ҳисоблайди. Маълумки, айрим мумтоз шоирларнинг газаллари чиройли байтлардан иборат бўлиб, уларда сюжет белгилари кўринмайди. Улардаги хоҳлаган байтнинг ўрнини алмаштириб ўқилса ҳам, тушириб қолдирса ҳам газалда ҳеч нарса ўзгармайди, чунки бу байтлар механик равишда тузилган бўлиб, бири иккинчиси билан мантиқан боғланмаган. Бу масалани тадқиқ этар экан, олим газалнинг, лирик шеърнинг ўзига ҳослигидан келиб чиқиб иш тутади ва сюжетни маълум воқеалар тизмаси эмас, балки фикр ва туйғуларнинг мантиқий боғланиши ва ривожланиб бориши тарзида кенг маънода талқин қилади. «Бундоқ шеърларда, газалда ягона бир мавзу ва образ бўлмай, мавзу жиҳатидан бир-бирига яқин истиоралар ва ташбеҳлар ёнма-ён тизилиб, уму мақ чиройли

ва лекин вокеабанд бўлмаган асар пайдо бўлиб қолади», — деб ёзади Шайхзода.

Газалга вокеабандлик, кенг маънода сюжет ипларини олиб кириш Навоийнинг газалчиликдаги энг катта хизмати эди. Шайхзода бу тезисни жуда кўп газаллар орқали батафсил изоҳлаб, шоирнинг улуг новаторлигини яққол кўрсатиб беради. Жумладан, у шоирнинг «Ёрдан айру кўнгул мулкидурур султони йўк» деб бошланадиган газалини атрофлича таҳлил қилиш асноси-да Навоийнинг энг кичик лирик шеърлари ҳам мантикий иплар билан ўзаро чамбарчас боғланганини таъкидлайди. Шунинг учун уларнинг ўрнини алмаштириб ёки тушириб қолдирса, мазмунга катта путур етади. Ана шулардан келиб чиқиб, олим: «Газалда маълум вокеа (кенг маънода) ярата билиш, байтларни маънан, фикран ва-суратан боғлаш, у ёки бу даражада Навоий лирикасига хос бўлган биринчи бадиий усулдир», — деб хулоса чиқаради.

Олим Навоий газалларидаги ана шу бош фазилат асосида: тадриж, таносиб, тазод, параллелизм ва бошқа жуда кўп бадиий усуллар қўлланганини таҳлил қилади. Бу қонуниятларни очиш жараёнида у катта қомусий би-лим эгаси, шеър табиатини, мохиятини ниҳоятда тереф, нозик илғай олувчи ва уни ҳам илмий, ҳам бадиий жиҳатдан юксак савияда жонлантириб, берувчи эхтиросли олим эканини намойиш этади. Масалан, у таносиб ва тазод санъати ҳақида гапирар экан, бу икки санъат турмуш ва борликнинг қонуниятларига асосланганини айтиб: «таносиб санъати табиатдаги ходи-саларнинг нафис силсиласини, инсон ҳаётининг оҳангдор қайфиятларини акс эттирган бўлса, тазод санъати ҳаётининг драмаларнинг қовушмаслигини, ижобий ва салбий қучларнинг азалий ва абадий хусуматини, ўзгартириб турган дунёмизнинг кўчқинчи ва доимий тенденцияларини, жамиятдаги узлуксиз низоларнинг акс-садосини у ёки бу даражада намойиш қилдиришга мажбур бўлганидир», деган фикрни илғари суради. Худди мана шу хусусияти, яъни ҳаёт ранг-барангликлари ва зиддиятларининг кенг акс эттиришга имқоният бериши туфайли бу икки санъат Навоий лирикасидаги асосий приёмни ташкил этади. Бу фикрнинг исботи сифатида олим юзлаб мисоллар келтиради ва уларга омухта бўлган ижтимоий руҳ билан бадиий воситаларни нозик таҳлил қилиб Навоий шеърлятидаги ички гўзаллик сирларини намойиш этади. Шу билан бирга у мазкур санъатлар ҳақида фақат уларнинг белшларини айтиш билан қифояланмасдан ҳар томонлама кенг ва атрофлича мулоҳаза юритиш зарурлигини таъкидлайди. Масалан, у таносиб санъатининг ёркин мисоли сифатида:

Шах ёнин фарзин каби кажлар маком этмиш не тонг,  
Ростравлар арсадин гар тутсалар руҳдек киров, —

байтини келтиради. Олим бу байтни шунчалик чуқур шарҳлаб берадики, биз Навоийнинг буюқ маҳоратини, миераларидаги ўткир ижтимоий салмоқни ва нафис гўзалликни қайта кашф қилгандек бўламиз.

Кейинги йилларда Навоий асарлари тилини тадқиқ этувчи бир талай илмий ишлар юзага

келди. Айникса, филология фанлари доктори, профессор А. Р. Рустамовнинг илмий асарлари, хусусан, «Навоийнинг бадиий махорати» ҳамда Ёкубжон Исмоковнинг Навоийнинг илк девонига багишланган монографиялари ажралиб туради. Шунга карамай, бу борада амалга ошириладиган вазифалар кўп. Ана шундай шароитда Шайхзоданинг юкоридаги мулохазалари катта амалий киммат касб этади. Бу эса, ўз навбатида, олимнинг Навоий ижоди бўйича олиб борган барча тадқиқотларининг ахамиятини янада оширади.

Шайхзоданинг Навоий мероси, лирик махорати, поэтик санъатлари хакида яратган мукамал илмий-танкидий тадқиқотлари кагта илмий-маърифий ва эстетик кимматга эга. Хали кўп авлодлар бу эхтиросли асарларни ўқиб, олимнинг ажойиб дарсхонасидан таълим олишига ва улуг Навоий асарларининг жозибасидан кайта-кайта бахраманд бўлишига шубха йўқ.

Ортиқбой Абдуллаев